

**ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ, АСТРОНОМИЯ ИНСТИТУТИ,  
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.FM/Т.33.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ  
КЕНГАШ**

---

**ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ**

**ПАРПИЕВ АДҲАМЖОН СОБИРЖАНОВИЧ**

**TiC<sub>x</sub> КУБ ТИТАН КАРБИДИНИНГ ГОМОГЕНЛИК СОҲАСИДА  
АТОМЛАРНИНГ ЎРТАЧА КВАДРАТИК СИЛЖИШИ**

**01.04.07 – конденсирланган ҳолат физикаси**

**Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**

**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2019**

**Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
физико-математическим наукам**

**Contents of the dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on  
physical and mathematical sciences**

**Парпиев Адхамжон Собиржанович**

TiC<sub>x</sub> куб титан карбидининг гомогенлик соҳасида атомларнинг  
ўртача квадратик силжиши..... 3

**Парпиев Адхамжон Собиржанович**

Среднеквадратичное смещение атомов в кубическом карбиде титана  
TiC<sub>x</sub> в области гомогенности..... 28

**Парпиев Адхамжон Собиржанович**

Root-mean-square displacement of atoms in cubic titanium carbide TiC<sub>x</sub>  
in the homogeneity region 52

.....  
Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 60

**ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ, АСТРОНОМИЯ ИНСТИТУТИ,  
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.ФМ/Т.33.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ**

**ПАРПИЕВ АДХАМЖОН СОБИРЖАНОВИЧ**

**TiC<sub>x</sub> КУБ ТИТАН КАРБИДИНИНГ ГОМОГЕНЛИК СОҲАСИДА  
АТОМЛАРНИНГ ЎРТАЧА КВАДРАТИК СИЛЖИШИ**

**01.04.07 – конденсирланган ҳолат физикаси**

**Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2019**

**Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/FM179 рақами билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ядро физикаси институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.inp.uz](http://www.inp.uz)) ва «Ziynet» ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** **Хидиров Ирсали**  
физика-математика фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** **Ибрагимова Эльвира Меметовна**  
физика-математика фанлари доктори

**Пайзуллаханов Мухаммаде-Султанхан Саидивалиханович**  
физика-математика фанлари номзоди

**Етакчи ташкилот:** **Ислом Каримов номидаги Тошкент Давлат техника университети**

Диссертация ҳимояси Ядро физикаси институти, Астрономия институти, Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.FM/Т.33.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Улуғбек қўрғони, Ядро физикаси институти. Тел. (+99871) 289-31-18; факс (+99871) 289-36-65; e-mail: [info@inp.uz](mailto:info@inp.uz)).

Диссертация билан Ядро физикаси институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100214, Тошкент шаҳри, Улуғбек қўрғони, ЯФИ. Тел. (+99871) 289-31-19).

Диссертация автореферати 2019 йил « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2019 йил “ \_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**М. Ю. Ташметов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси ф.-м.ф.д., профессор

**Э.М.Турсунов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби ф.-м.ф.д., катта илмий ходим

**И. Нуритдинов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси ф.-м.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда жаҳонда ўзгарувчан таркибли  $TiC_x$  куб структурали титан карбиди қийин эрувчанлиги, юқори мустаҳкамлиги ва агрессив муҳитда коррозияга чидамлилиги туфайли замонавий техникада, саноатда ва тиббиётда кенг қўлланади. Кейинги вақтларда юқори даражада ностехиометрик, томонлари марказлашган куб (ТМК) структурали  $TiC_x$  титан карбидининг биологик муҳит таъсирига чидамлилиги, захарли эмаслиги ва рақ касалини юзага келтирмаслиги, тирик организм билан биологик биргаликда мавжуд бўла олиш қобилиятига эгаллиги, эластиклик модули суяк тўқимасига яқинлиги ва арзонлиги сабабли тиббиётда кенг қўлланмоқда. У инсон организми турли қисмларининг жароҳатларини ва шикастланишларини даволаш учун имплантатлар ишлаб чиқаришда катта аҳамиятга эга.

Бугунги кунда титан карбидининг турли хусусиятларини ўрганиш муаммосига бағишланган кўплаб илмий-тадқиқот ишлари мавжуд. Аммо, афсуски, бу соҳадаги деярли барча ишлар асосан стехиометрик ёки стехиометрик таркибга яқин бўлган  $TiC_x$  титан карбидига бағишланган. Техникада, саноатда ва тиббиётда ностехиометрик  $TiC_x$  титан карбидларнинг катта амалий аҳамиятга эгаллиги сабабли структуравий нуқсонларнинг механик ва термофизик хусусиятларига таъсирини ўрганиш жуда муҳимдир.  $TiC_x$  титан карбиди атомларининг гомогенлик соҳасидаги иссиқлик тебранишлари амплитудасининг (ИТА) ва статик силжишларнинг концентрациясига боғлиқлигини ўрнатиш алоҳида қизиқиш уйғотади. Чунки кристалдаги атомларнинг иссиқлик тебранишлари амплитудаси атомлар орасидаги кимёвий боғланишлар орқали аниқланганлиги учун материалнинг асосий фундаментал хусусияти бўлиб, механик, иссиқлик, электрофизик ва бошқа хоссаларнинг шаклланишида ҳал қилувчи рол ўйнайди. Атомларнинг иссиқлик тебранишлари амплитудасини билиш кристаллнинг Дебай ҳароратини, паст ва юқори ҳароратли иссиқлик сиғимларини ва кристаллнинг эластик хусусиятларини баҳолаш имконини беради. Аммо ҳозирги диссертация ишигача  $TiC_x$  титан карбидида атомларнинг ИТА ва статик силжишларнинг концентрацияга боғлиқлиги гомогенлик соҳасида ўрганилмаган. Юқорида таъкидланганидек, ИТАнинг концентрацияга боғлиқлигини аниқлаш ва шу асосида  $TiC_x$  титан карбидининг бутун гомогенлик соҳасида термофизик ва механик хусусиятларини баҳолаш қаттиқ жисм физикасининг долзарб масаласи ҳисобланади.

Мамлакатимизда жаҳон миқёсидаги қаттиқ жисм ва материалшунослик соҳасидаги тажрибавий ва назарий ишларни ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Шу нуқтаи назардан, олинган натижалар асосида хусусан, ишлов бериш хоссаларининг юқори кўрсаткичларига эга бўлган наноструктурали  $TiC_x$  титан карбидини олиш имкониятлари кўрсатилди. Бу йўналишда материалшунослик соҳасидаги назарий ва амалий тадқиқотларнинг инновацион технологияларини қўллаш орқали ушбу йўналишдаги тадқиқотлар самарадорлигини ошириш муҳим аҳамият касб

этади. У 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида<sup>1</sup> акс этирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2013 йил 1 мартдаги ПФ-4512-сонли “Муқобил энергия манбаларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонлари, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сонли “Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорлари ҳамда ушбу соҳадаги бошқа меърий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот иши Ўзбекистон Республикасининг фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурс тежамкорлиги» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Жаҳоннинг кўплаб илмий-тадқиқот марказларидаги таниқли олимлар, жумладан: россиялик (А. И. Гусев, А. А. Ремпель, В. Н. Липатников, С. З. Назарова, Л. В. Зуева, Р. А. Андриевский, И. И. Спивак), корейлик (С. Н. Lee, Н. S. Shim, Y. N. Choi, J. S. Lee, М. R. Hwang), украиналик (Г. В. Самсонов, И. Н. Францевич, А. В. Курдюмов, И. М. Винницкий) ва бошқалар  $TiC_x$  титан карбидининг мувозанатли ҳолат диаграммасини, физик ва механик хусусиятларини назарий ва тажрибавий тадқиқ қилишда катта ҳажмдаги ишларни амалга оширдилар.

Улар томонидан  $Ti-C$  системаларининг мувозанатли фазавий диаграммаси тузилган, тартиб-бетартиб туридаги фаза ўтишлари ўрганилган. Бу ўтишларда карбиднинг электр ва магнит хусусиятлари фазавий ўтишларга боғлиқ ҳолда ўзгариши,  $T = 4.2$  К ҳароратда ўта ўтказувчанлик ҳолатига ўтиши аниқланган. Бундан ташқари, кенг  $x = 0.47 \div 1.0$  гомогенлик соҳасида панжара доимийсининг концентрацияга боғлиқ ҳолда ўзгариши топилган. Ўзбекистонлик баъзи олимлар (И. А. Каримов, В. Т. Эм, М. Каланов, И. Хидиров, М. Ю. Ташметов, А. Эмиралиев, Ф. Файзуллаев) томонидан ЎЗР ФА ЯФИ ВВР-СМ ядровий реакторининг горизонтал каналларида нейтронлар дифрактометрлари йиғилган ва Республикада дунёнинг ноёб нейтронография марказларидан бири яратилган. Уларнинг тадқиқотлари IV-V гуруҳ оралиқ металлари карбидларининг мувозанатли фазавий диаграммаларига катта аниқлик киритди. Бу олимлар томонидан биринчи мартаба метастабил ҳолатдаги тартиб-бетартиб туридаги янги фаза ўзгаришлари, уларнинг электр ва иссиқлик хусусиятларига таъсири аниқланган. Куб кристалларида атомларнинг ўртача квадратик

---

<sup>1</sup> 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”даги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

силжишларини аниқлаш учун биринчи бўлиб нейтронлар дифракциясидан фойдаланилган.

Аммо титан карбиди атомларининг ўртача квадратик силжишларини (ЎКС) титан карбидининг кенг гомогенлик соҳасида аниқлаш ва титан карбидининг кристалл панжарасидаги динамик (ИТА) ва статик силжишларини алоҳида аниқлаш учун ягона тизимли ва мақсадли йўналтирилган тадқиқотлар йўқ. Бундай маълумотлар титан карбидининг панжара динамикаси бўйича ва улар асосида унинг термодинамик ва механик характерискаларини баҳолаш бўйича қимматли ахборотлар беради.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасаси илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Ядро физикаси институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг Ф2-ФА-Ф065 «Ўрин алмашувчи ва киритмалли қаттиқ эритмаларда термо ва радиация билан стимуллашган ҳодисалар» (2007-2011), Ф2-ФА-Ф119 «Ті асосидаги киришмалли қотишмаларининг температура ва  $\gamma$ -радиация таъсирида вужудга келадиган кристалл структураларининг ҳосил бўлиш қонуниятларини нейтронлар дифракцияси ёрдамида ўрганиш» (2012-2016), ОТ-Ф2-22 «Кристалл атомларининг иссиқлик тебранишлари назариясини ривожлантириш» (2017-2020) лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** нейтронлар дифракцияси ёрдамида  $TiC_x$  титан карбиди атомларининг гомогенлик соҳасида ( $x=0.33 \div 0.97$ ) ўртача квадратик силжишларининг углерод концентрациясига боғлиқлик қонуниятларини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

$TiC_x$  карбид титан намуналарини гомогенлик соҳасида ( $x=0.33 \div 0.97$ ) намуналар тайёрлаш ва бир жинсли ҳолатга келтириш, шунингдек, аттестация қилиш;

нейтронлар дифрактометрида намуналар атомларининг ЎКСни аниқлаш учун нейтронограммаларини тегишли шарт-шароитларда олиш;

Ритвельднинг тўлиқ профилли таҳлил усули билан олинган нейтронограммалар бўйича намуналарнинг нейтронструктуравий таҳлилинини ўтказиш;

$TiC_x$  титан карбиди атомларининг бутун гомогенлик соҳасида тўлиқ (динамик + статик) ўртача квадратик силжишларининг катталигини нейтронструктура таҳлили асосида хона ( $T_1=300$  К) ва суяқ азот ҳароратларида ( $T_2 = 80$  К) аниқлаш;

$x= 0.70 \div 0.97$  таркибли титан карбидида атомларнинг динамик (иссиқлик тебраниш амплитудаси) ва статик ўртача квадратик силжишларини  $T_1=300$  К ва  $T_2 = 80$  К ҳароратларда алоҳида аниқлаш;

титан карбидининг гомогенлик соҳасида атомларининг ЎКСни концентрацияга боғлиқлик қонуниятларини аниқлаш ва тушунтириб бериш;

олинган маълумотлар асосида титан карбидининг термодинамик ва механик хусусиятларини баҳолаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида кристаллардаги атомларнинг ўртача квадратик силжишлари (иссиқлик тебранишлари амплитудаси ва статик силжиши) олинган.

**Тадқиқотнинг предмети**  $TiC_x$  титан карбиди атомларининг гомогенлик соҳасидаги ( $x=0.33 \div 0.97$ ) ўртача квадратик силжишларининг (иссиқлик тебранишлари амплитудаси ва статик силжишини) концентрацияга боғлиқлиги ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Титан карбидларининг структурасини ўрганиш нейтронлар дифракцияси усули ёрдамида амалга оширилган, нейтронструктуравий таҳлил қилиш учун Кристаллографлар Халқаро жамияти томонидан тавсия этилган дифрактограммаларнинг тўлиқ профилли таҳлил усули "Fullprof" -1981 ва "Fullprof" -2013 дастурлардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

$TiC_x$  куб титан карбидининг гомогенлик соҳасида ( $x = 0.33 \div 0.97$ ) атомлар ўртача квадратик силжишининг концентрацияга боғлиқлиги, мураккаб характерга эга эканлиги, солиштирама электр қаршилик ва магнит қабул қилувчанликнинг концентрацияга боғлиқлиги ҳамда фазавий ўзгаришлар орасида корреляция борлиги аниқланган;

$TiC_x$  титан карбидининг ( $x = 0.70 \div 0.97$ ) концентрацияси оралиғида механик ва термофизик хусусиятлари аниқланган;

биринчи маротаба куб титан карбиди мисолида куб кристалларининг механик ва термофизик хусусиятларини ўрганиш учун нейтронструктуравий таҳлилнинг имкониятлари кўрсатилган;

$TiC_{0.97}$  карбидининг  $C_V$  иссиқлик сифимининг юқори ҳароратга боғлиқлиги аниқланган ва 300 - 3000 К ҳарорат оралиғида кузатилган  $C_V$  нинг юқори ҳароратга боғлиқлигини аниқлайдиган эмпирик формула таклиф этилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

$TiC_x$  титан карбидининг  $x = 0.70, 0.80$  ва  $0.97$  таркиблари учун Дебай ҳарорати хона ва суяқ азот ҳароратларида аниқланган;

Дебай ҳарорати  $T=80$  К да 25% дан 40% гача камайиши кўрсатилган;

$TiC_x$  титан карбидининг  $x = 0.70, 0.80$  ва  $0.97$  таркиблари учун  $T=300$  К ва  $T=80$  К ҳароратларда кристалл панжарасининг иссиқлик тебраниш амплитудаси  $\sqrt{u_d^2}$  ва статик силжиши  $\sqrt{u_s^2}$  алоҳида ажратиб аниқланган;

тажриба йўли билан икки хил ҳароратда атомларнинг иссиқлик тебраниш амплитудаларининг ва тўлиқ ўртача квадратик силжишлари қийматларининг айирмалари тенг бўлиши кўрсатилган:  $\overline{u^2}$  (300 К) -  $\overline{u^2}$  (80 К)  $\approx \overline{u_d^2}$  (300 К) -  $\overline{u_d^2}$  (80 К);

ностехиомерик  $TiC_x$  карбидида углерод атомларининг тартибланишида уларнинг ЎКС камайиши кўрсатилган, бунга тартибланиш натижасида кристаллнинг панжараси  $Fm\bar{3}m$  фазовий гуруҳдан  $Fd\bar{3}m$  фазовий гуруҳга ўтиши сабаб эканлиги тушунтирилган.



**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** конденсирланган ҳолат тадқиқоти учун ядровий усулдан фойдаланилганлиги; кристалларда нейтронларнинг сочилиш назарияси асосий тамойилларига асосланганлиги; нейтронограммаларни ҳисоблаш учун дифрактограмларини “FullProf” (1981 ва 2013 йиллардаги) тўла профилли таҳлил қилишнинг замонавий дастуридан фойдаланилганлиги; тажриба натижаларини диққат билан қайта ишланганлиги; хулосалар панжаранинг иссиқлик тебранишлари назариясининг асосий қоидаларига мос келиши; натижаларнинг адабиётдаги маълумотлар билан мувофиқлиги; хулосалар қаттиқ жисм физикасининг мавжуд замонавий тушунчаларига зид келмаслиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Натижаларнинг илмий аҳамияти  $TiC_x$  титан карбидининг гомогенлик соҳасида ( $x = 0.33 \div 0.97$ ) атомларининг ЎКС углерод миқдорига боғлиқлиги,  $x = 0.70; 0.88; 0.97$  таркиблари учун ҳона ва суюқ азот ҳароратларида аниқланган иссиқлик тебранишларининг ўртача квадратик амплитудаси ва атомларнинг ўртача квадратик статик силжиши, механик ва термофизик хусусиятлари қийин эрувчи қотишмалар физикасининг кам ўрганилган соҳасига тегишли бўлиб, бу соҳадаги бўшлиқни тўлдиради. Олинган янги маълумотлар қаттиқ жисм кристалл панжара атомлари иссиқлик тебранишларининг мавжуд назариясини ривожлантириш ва янги ғояларни ишлаб чиқиш учун фойдаланилиши мумкин.

Натижаларнинг амалий аҳамияти  $TiC_x$  титан карбидининг  $x = 0.33 \div 0.97$  концентрация оралиғида унинг гомогенлик соҳасида саноат ва техникада кенг қўлланиладиган термофизик ва механик хусусиятларини олдиндан билиш ва мақсадга мувофиқ бошқариш имконини беради. Атомларнинг ЎКС ва Дебай ҳарорати, материалларнинг асосий фундаментал хусусиятлари бўлиб, улар орқали бир қатор бошқа хусусиятларини, жумладан эластиклик ва термофизик хусусиятларини аниқлаш мумкин. Натижалар титан карбидларининг гомогенлик соҳасидаги бир қатор динамик хусусиятларини ҳисоблаш учун ишлатилиши мумкин. Биринчи марта атомларнинг иссиқлик тебранишлари амплитудасининг концентрацияга боғлиқлиги, ҳона ва суюқ азот ҳароратида Дебай ҳароратининг аниқланган қийматлари титан карбидларининг асосий хусусиятлари сифатида қийин эрувчи конструкцион материаллар ва қаттиқ жисм физикаси соҳасидаги технологларга ва материалшуносларга маълумот сифатида хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.**  $TiC_x$  куб титан карбидининг гомогенлик соҳасида атомларининг ўртача квадратик силжишларини ўрганиш бўйича олинган натижалар асосида:

$TiC_x$  куб титан карбидининг гомогенлик соҳасида атомлар ўртача квадратик силжишларининг концентрацияга боғлиқлиги ва биринчи марта  $TiC_x$  титан карбиди мисолида кўрсатилган куб сингонияли кристалларнинг термофизик ва механик хоссаларини ўрганиш учун нейтронструктуравий таҳлил имкониятлари ФА-Ф2-Ф070+075 рақамли “Реактор ва юқори ҳароратли ўта ўтказгич материалларининг ўзига хос электрик, иссиқлик ва техник хоссаларини тадқиқ этиш” фундаментал лойиҳасида фойдаланилган

(Ўзбекистон Фанлар академиясининг 2019 йилнинг 17 майдаги 2/1255-1480 - сонли хати). Олинган натижаларнинг қўлланилиши реактор конструкциявий материалларининг (САВ-1 ва АМГ-2 куб структурали алюминий қотишмаларининг) турли дозаларда ядро реакторида нурланишидан олдин ва кейин иссиқлик тебранишлари амплитудасини, атомларнинг статик силжиши ва Дебай ҳароратини шунингдек, атомларнинг ўртача квадратик силжишининг Mg, Cu, Mn, Fe қотишмаларнинг концентрацияларига боғлиқлигини аниқлаш имконини берган;

300-3000 К ҳарорат оралиғида  $TiC_x$  иссиқлик сиғимининг юқори ҳароратга боғлиқлигини аниқлаш учун тавсия этилган формула ва кристалнинг ички энергияси эриш ҳароратигача квантланганлиги тўғрисидаги хулоса "ТАТА" илмий-техник марказида фойдаланилган ("ТАТА" илмий-техник марказининг 2019 йил 24 майдаги 258-сонли хати, Саров ш., Россия). Олинган натижаларнинг фойдаланиши ядро энергетикасида ишлатиладиган керакли юқори ҳароратли иссиқлик сиғимига эга бўлган титан асосидаги конструкциявий материалларни олиш технологиясини яратиш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 12 та халқаро ва республика анжуманларида ва халқаро мактабларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси доирасида жами 22 та илмий иш нашр этилган, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та, шулардан 5 таси ҳорижий журналларида нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 123 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган. Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Муаммони ўрганиш даражаси муҳокама қилинган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ҳамда амалий натижалари баён қилинган, шунингдек, диссертация ҳажми ва тузилиши ҳақида қисқача маълумот берилган.


Диссертациянинг **“ $TiC_x$  титан карбидининг гомогенлик соҳасида фаза ўзгаришлари, физик ва механик хоссалари”** деб номланган биринчи бобида адабиётларда эълон қилинган тадқиқот натижалар шарҳи баён қилинган бўлиб, кристалл тузилиши ва фазалар ўзгаришлари,  $TiC_x$  титан карбидининг гомогенлик соҳасида термофизик ва механик хоссалари тадқиқот натижаларига оид мавжуд маълумотлар баён қилинган. Илмий

адабиётларда эълон қилинган ишлар таҳлили асосида тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари аниқланган.

Диссертациянинг “**Тажриба усули ва кристалл структурасини ҳисоблаш**” деб номланган иккинчи боб нейтронструктуравий таҳлил маълумотлари асосида атомларнинг ўртача квадратик силжишини ҳисоблаш усулига бағишланган. Ўрганилаётган намуналарни тайёрлаш ва аттестация қилиш ҳақида маълумот берилган. Кристаллардаги атомларнинг ўртача квадратик силжиши ҳақидаги маълумот тўғридан-тўғри рентген, электронлар ва нейтронларнинг дифрактограммаларидаги дифракцион максимумлар интенсивликларининг атомларнинг иссиқлик тебранишлари туфайли сусайишини тажрибада кузатиш орқали олинди. Тадқиқотнинг асосий усули сифатида нейтронларнинг дифракцияси танланган. Бу нейтрон дифракциясининг бошқа дифракцион усулларга қарагандаги афзалликлари билан боғлиқ. Нейтронографик усулнинг афзалликлари нейтронларнинг сочилиш амплитудаси сочилиш бурчагига боғлиқ эмаслиги, ютилишнинг заифлиги ва унинг таъсири эътиборга олинмаслиги, экстинкция таъсири аҳамиятсиз бўлиши билан боғлиқ. Ядролардаги нейтронларнинг когерент сочилиш амплитудаси атомнинг тартиб номерига боғлиқ эмас, сочилиш маркази электрон қобиклар эмас, балки атом ядросидир. Бу омилларнинг барчаси кристаллдаги атомларнинг ЎКСини аниқлаш усулининг ишончилигини оширади. Дифракцияланган нейтронларни қайд қилиш учун СНМ -16 тоифадаги ўн жуфт гелий ҳисоблагичлари ишлатилди. Ҳисоблагичлар қуйидагича танланади. Уларнинг барчаси жуда яқин вольт ампер хусусиятларига ва бир хил платога эга. Қурилмани электроника қисми юқори кучланишли стабилизатор орқали ишлайди. Қурилма текширилаётган намунага тушадиган монохроматик нейтронларнинг доимий оқимини қатъий назорат қилувчи монитор тракти билан жиҳозланган. Тажриба залидаги фоннинг таъсирини камайтириш учун бутун қурилма ҳимоя блоклари билан ўралган. Дифрактометрнинг иши РС-4 русумли компьютерда бошқарилади. Намуналарнинг нейтронограммаси Брэгг бурчаклари  $2\theta = 10^0 - 90^0$  оралиғида  $6'$  қадам ва 300 с экспозиция билан олинган. Кўрсатилган интервалда ўлчаган нуқталарнинг сони 800 га тенг. Тадқиқот намуналарининг нейтронограммасини олишдан олдин ва кейин, поликристалл Ni назорат намунасининг нейтронограммаси олиниб, дифрактометрнинг турғун ишлаши ва натижаларнинг такрорланиши кузатиб борилди. Дифрактометр ишлаш жарёнининг барқарорлиги ва нейтроноструктура таҳлилининг такрорланувчанлиги юқори. Шунга қарамай, тасодифий ҳатони назорат қилиш учун ҳар бир нейтронограмма уч марта ўлчанган. Ҳар бир ўлчов натижалари 2 - 3% чегарасида деярли бир хил бўлди. Намуналарга термик ишлов бериш СШВЛ – 0.6.2/16 туридаги вакуумли печда  $5 \times 10^{-5}$  мм симоб устунидан кам бўлмаган вакуум остида амалга оширилди. Намуналарни тоблаш SNOL печида, ҳавоси сўрилган ва ёпиқ кварц ампулаларида ўтказилди. Термик ишлов бериш тартиби ўтказиладиган тадқиқот вазифасига боғлиқ.

Титан карбида атомларнинг ЎКС Халқаро Кристаллографлар Жамияти томонидан тавсия этилган нейтронограммаларнинг тўлиқ профили таҳлили орқали нозичли ҳамда чизикли кичик квадратлар усуллари билан аниқланди. Ушбу икки хил усул билан олинган натижалар таққосланган. Дифрактограмманинг тўлиқ профили таҳлил қилиш усулининг моҳияти шундан иборатки, бунда тажрибада олинган нейтронографик маълумотларнинг танлаган модел бўйича ҳисоблаб топилган маълумотлардан четланиш факторлари нейтронограмманинг тўла профили ( $R_p$ ), ҳар бир нуқтанинг статистик оғирликлари ( $R_{wp}$ ), брэгг максимумлари интенсивликлари ( $R_{Br}$ ), бўйича баҳоланди.

Рентгенофазавий ва нейтронструктуравий таҳлилларга кўра, олинган намуналар ҳаммаси бир фазали ва бир жинсли бўлиб, уларнинг кристалл тузилиши ( $Fm\bar{3}m$ ) фазовий гуруҳга мансуб. Намуна сифатида 1-расмда  $TiC_{0.97}$  ва  $TiC_{0.33}$  намуналарининг нейтронограммалари берилган.



**1-расм. *a* -  $TiC_{0.97}$  ва *b* -  $TiC_{0.33}$  титан карбидларининг нейтронограммалари. Нуқталар – тажрибада олинган, узлуксиз чизик – ҳисобланган нейтронограммалар.  $\Delta$  - тажриба ва ҳисобланган интенсивлик қийматлари ўртасидаги фарқ. Дифракциявий максимумлар устида  $Fm\bar{3}m$  фазовий гуруҳга мансуб  $hkl$  Миллер индекслари кўрсатилган**

$x = 0.97 \div 0.88$  концентрациялар оралиғида титан карбиди намуналари Россия ФА Структурный макрокинетика институтида ўз-ўзидан тарқалиш механизмига асосланган юқори ҳароратли синтез усули билан тайёрланган. Титан карбидининг бошқа намуналари 0.33 - 0.70 концентрациялар оралиғида  $P = 1.33 \times 10^{-3}$  Па вакуумда қиздириш усули билан биз томонимиздан тайёрланган. Дастлабки материаллар сифатида "жуда тоза" маркали углерод кукуни ва ПТЭМ -1 маркали титан кукуни ишлатилган. Кимёвий таҳлил маълумотларига кўра, уларнинг таркибида қуйидаги элементларнинг киришмалари бор (мас. %): 99.76 Ti, 0.03 N, 0.03 C, 0.08 Fe, 0.04 Si, 0.06 Cl, 0.28 O<sub>2</sub>. Кимёвий таҳлил Н. С. Курнакова номидаги Россия ФА Ноорганик кимё институтида 0.3 % аниқлик билан амалга оширилди. Кукун зарраларининг ўртача ўлчами  $r = 40$  мкм.

Диссертациянинг **“TiC<sub>x</sub> куб титан карбидининг гомогенлик соҳасидаги атомларнинг ўртача квадратик силжишини аниқлаш”** деб номланган учинчи бобида иссиқлик тебранишларининг амплитудаси ва атомларнинг статик силжишларини алоҳида ажратиб аниқлаш натижалари, панжарада атомларнинг иссиқлик тебранишлари туфайли нейтронодифракциявий максимумларнинг интенсивлиги заифлашуви орқали аниқланган. Атомларнинг динамик ва статик силжишларини алоҳида аниқлаш учун намуналарнинг нейтронограммалари аввал хона ҳароратида ( $T = 300$  K), сўнгра суяқ азот ҳароратида ( $T=80$  K) криостатда олинди. Кўрсатилган иккита ҳароратда кристалларнинг симметриясида ўзгариш кузатилмади, лекин ҳарорат фарқи туфайли фақат иссиқлик факторининг ўзгариши кузатилди, бу эса панжаранинг динамик ва статик силжишларини алоҳида аниқлаш имконини беради. NaCl типидagi тузилишга эга бўлган TiC<sub>x</sub> қотишмалари учун дифракцион максимумларнинг тажрибадаги интенсивлиги қуйидаги ифода билан аниқланади:

$$I_{эксн} = K[b_{Ti} \pm xb_c]^2 \exp\left(-2B \times \frac{\sin^2 \varphi}{\lambda^2}\right) = KI_0 \exp\left(-2B \times \frac{\sin^2 \varphi}{\lambda^2}\right), \quad (1)$$

бу ерда  $b_{Ti}$  -,  $b_c$  - Ti ва C атомлари ядросидан нейтронларнинг когерент сочилиши амплитудаси;  $x$  – углерод концентрацияси;  $K$  – курилманинг ва намунанинг геометриясига боғлиқ бўлган катталиқ;  $I_0$ - кристалл панжаранинг тугунларидаги қўзғалмас атомлардан ҳосил бўлган панжара дифракцион манзара интенсивлиги;  $\lambda$  – нейтронларнинг тўлқин узунлиги;  $\varphi$  - Брэгг бурчаги;  $B$  - иссиқлик фактори бўлиб, қуйидаги ифода билан аниқланади:

$$B = (8\pi^2 \overline{u^2} / 3) \sin^2 \varphi / \lambda^2, \quad (2)$$


бу ерда  $\overline{u^2}$  - атом комплексининг  $\overline{u_d^2}$  динамик ва  $\overline{u_s^2}$  статик силжишлар йиғиндисидан иборат бўлган тўлиқ ўртача квадратик силжиши:

$$\overline{u^2} = \overline{u_d^2} + \overline{u_s^2} . \quad (3)$$

(1) ифодадан

$$\ln\left(\frac{I_{\text{эксп}}}{I_0}\right) = K + 2B \times \sin^2\varphi/\lambda^2 \quad (4)$$

тенглама  $\sin^2\varphi/\lambda^2$  нинг чизикли функцияси эканлиги кўринади. Хона ва  $T = 80$  К ҳароратларида  $\ln\left(\frac{I_{\text{эксп}}}{I_0}\right)$  нинг  $\sin^2\varphi/\lambda^2$  функциясига боғлиқлик графигини чизиб (2-расм), тўғри чизикнинг қиялигидан энг кичик квадратлар усули билан  $2B$  иссиқлик фактори аниқланди. (2) муносабатдан  $\text{TiC}_x$  титан карбидининг  $x = 0.97, 0.88$  ва  $0.70$  таркиблари учун тўлиқ ЎКС аниқланди.



**2-расм.  $\text{TiC}_{0.97}$  титан карбиди учун 300 К (а) ва 80 К (б) ҳароратларда  $\ln\left(\frac{I_{\text{эксп}}}{I_0}\right)$  нинг  $\frac{\sin^2\varphi}{\lambda^2}$  га боғлиқлиги. Нуқталарнинг устида  $Fm\bar{3}m$  фазовий гуруҳга тегишли  $hkl$  Миллер индекслари кўрсатилган**

Олинган натижалар 1 - жадвалда келтирилган.  $\sqrt{\overline{u_d^2}}$  ва  $\sqrt{\overline{u_s^2}}$  қийматларни алоҳида аниқлашнинг дифракция усули  $\sqrt{\overline{u_d^2}}$  қийматнинг ҳароратга боғлиқлигига асосланади. Статик силжиш  $\sqrt{\overline{u_s^2}}$  катталиги ҳароратга боғлиқ эмас.

**1-жадвал**

**$T_1 = 300$  К ва  $T_2 = 80$  К ҳароратларда титан карбидидаги атомларнинг тўлиқ, динамик ва статик силжишлари (Å)**

Намуна лар	$\sqrt{\overline{u^2}}$		$\sqrt{\overline{u_s^2}}$	$\sqrt{\overline{u_d^2}}$		$\sqrt{\Delta u^2} \approx \sqrt{\Delta u_d^2}$
	$T_1$	$T_2$		$T_1$	$T_2$	
$\text{TiC}_{0.97}$	0.084	0.075	0	0.084	0.075	0.038
$\text{TiC}_{0.88}$	0.104	0.086	0.022	0.101	0.083	0.057
$\text{TiC}_{0.70}$	0.126	0.102	0.042	0.119	0.093	0.074

Кристаллардаги атомларнинг иссиқлик тебранишлар назариясидан маълумки, атомларнинг иссиқлик тебранишининг ўртача квадратик амплитудаси қуйидаги ифода билан аниқланади.

$$\overline{u_d^2} = \frac{\kappa T}{m} \int_0^{\infty} \frac{g(\omega)}{\omega^2} d\omega + \frac{\hbar^2}{4m\kappa T}, \quad (5)$$

бу ерда  $m$  - қотишма атомларининг ўртача массаси,  $g(\omega)d\omega$  -  $\omega$  частотали тебранишлар сони,  $\omega+d\omega$  ва  $g(\omega)$  қуйидаги шарт бажариладиган тарзда нормировка қилинади:  $\int_0^{\infty} g(\omega)d\omega = 3$ . Тўлиқ ЎКС учун (3) ва (5) ифодаларга кўра, қуйидагиларни оламиз,


$$\overline{u^2} = \overline{u_d^2} + \overline{u_s^2} = A \frac{\kappa T}{m} + \frac{\hbar^2}{4m\kappa T} + \overline{u_s^2}, \quad (6)$$

бу ерда  $A = \int_0^{\infty} \frac{g(\omega)}{\omega^2} d\omega$  ҳароратга боғлиқ эмас. Атомларнинг иссиқлик ва статик силжишларини аниқлаш учун қуйидагича график чизилади, бунда ордината ўқида

$$\overline{u^2} - \frac{\hbar^2}{4m\kappa T} = \frac{A\kappa T}{m} + \overline{u_s^2}, \quad (7)$$

катталиқ белгиланади, абсцисса ўқида эса ҳарорат белгиланади.

График тўғри чизик бўлиб, унинг абсцисса ўқида қиялиги  $A\kappa/m$  катталиқни аниқлайди, ордината ўқидан кесган кесма эса  $\overline{u_s^2}$  катталиқни аниқлайди (3-расм).  $\overline{u^2}$  нинг қиймати тажрибадан (4) тенглама графиги билан аниқланади. Ушбу графикка кўра, 3 - расмда  $\text{TiC}_{0.97}$  нинг деярли стехиометрик таркиби учун аниқлашнинг хатоликлар чегараларида  $\overline{u_s^2}$  нолга тенг бўлиб чиқди. Қолган карбидлар учун  $\overline{u_s^2}$  нинг қийматлари 1 - жадвалда берилган.  $\overline{u_s^2}$  қийматини билганимиздан кейин (3) формула ёрдамида  $\overline{u_d^2}$  ни аниқлаймиз. 1 - жадвалда шунингдек, хона ва  $T = 80$  К ҳароратларда  $\overline{u^2}$ ,  $\overline{u_d^2}$  ларнинг қийматлари ҳам берилган. 1 - жадвалдан кўринадики, қотишмадаги углерод концентрацияси камайиши билан,  $\overline{u^2}$ ,  $\overline{u_d^2}$ ,  $\overline{u_s^2}$  ларнинг қийматлари ортади. Углерод вакансиялари ортиши билан панжара статик бузилишларининг кучайиши сабабли  $\overline{u_s^2}$  ҳам ортади.



3 - расм.  $\text{TiC}_{0.97}$  (1),  $\text{TiC}_{0.88}$  (2) и  $\text{TiC}_{0.70}$  (3) карбидлар учун

$$\overline{u^2} - \frac{\hbar^2}{4mkT} \text{ нинг } \frac{AkT}{m} + \overline{u_s^2} \text{ га боғлиқлиги}$$


Ностехиометрия туфайли  $\overline{u^2}$  ва  $\overline{u_d^2}$  катталикларнинг ортиши углерод концентрациясининг камайиши натижасида Ti-C узилган боғланишлар сонининг кўпайиши туфайли атомлар ўртасидаги ўзаро таъсир кучларининг камайиши билан изоҳланади. Ушбу натижа TiC карбидининг қийин эриши туфайли унинг панжарасидаги динамик бузилишларнинг доимийлиги ҳақида олдин айтилган фикр тўғри эмаслигини билдиради.  $\overline{u_s^2}$  ҳароратга боғлиқ бўлмаганлиги сабабли хона ва  $T = 80 \text{ K}$  ҳароратлари учун (3) тенгламадан иккита ҳароратларда тўлиқ ЎКС ва динамик силжишлар фарқларининг тенглиги келиб чиқади:

$$\Delta \overline{u^2} = \overline{u^2} (300 \text{ K}) - \overline{u^2} (80 \text{ K}) = \overline{u_d^2} (300 \text{ K}) - \overline{u_d^2} (80 \text{ K}).$$

Шуни таъкидлаш керак-ки, ҳақиқатан ҳам бу тенглик бизнинг тажрибада тасдиқланди (1 - жадвал).


Бундан кейин тартибсизланган  $\text{TiC}_x$  карбидининг бутун гомогенлик соҳасида ( $x = 0.33 \div 0.97$ ) атомларнинг тўлиқ ЎКСи концентрацияга боғлиқлиги аниқланди. 4 - расмда  $\text{TiC}_x$  карбидининг турли таркиблари учун (4) формула бўйича  $\ln(I_{\text{экс.}}/I_{\text{расч.}})$  нинг  $\sin^2\theta/\lambda^2$  функциясига боғланиш графиги келтирилган. Ушбу графикни чизиш учун фақат Миллернинг тоқ индексларига эга бўлган дифракцион максимумлардан фойдаланилган. Чунки жуфт индексли дифракцион максимумларнинг интенсивлиги жуда кичик бўлиб, тажриба натижаларида катта хатоликларга олиб келиши мумкин.  $\sin^2\theta/\lambda^2$  функциясидаги  $\ln(I_{\text{экс.}}/I_{\text{расч.}})$  тўғри чизиқларининг қиялигини аниқлаш учун чизиқли энг кичик квадратлар усули қўлланилган. Биз томонимиздан шу усулда олинган графиклар 4-расмда кўрсатилган. Ушбу қийматлар биз томонимиздан Ритвельд усули билан ҳам аниқланган.





**4-расм.  $\text{TiC}_x$  титан карбидининг турли концентрациялари учун  $\ln\left(\frac{I_{\text{эксп}}}{I_0}\right)$  нинг  $\frac{\sin^2 \varphi}{\lambda^2}$  га боғлиқлиги. 1- $\text{TiC}_{0.97}$ ; 2- $\text{TiC}_{0.88}$ ; 3- $\text{TiC}_{0.60}$ ; 4- $\text{TiC}_{0.47}$ ; 5- $\text{TiC}_{0.65}$ ; 6- $\text{TiC}_{0.33}$ . Нуқталар устида  $Fm\bar{3}m$  фазовий гуруҳга мос келувчи  $hkl$  Миллер индекслари кўрсатилган**

$x = 0.97, 0.88$  ва  $0.70$  таркиблар учун биз томонимиздан аниқланган ЎҚС адабиётлардаги маълумотларга мос келади. Бошқа таркиблар учун улар биз томонимиздан биринчи марта аниқланди. Шунингдек, атомларнинг ЎҚС барча намуналар учун, нейтронограммаларни тўла профили таҳлилидан олинган иссиқлик факторининг қийматлари асосида ҳам ҳисобланди. Натижалар 2-3% чегарасида чизикли энг кичик квадратлар усули ёрдамида олинган маълумотларга мос келади. Бундан келиб чиқадики, карбид атомларининг гомогенлик соҳасида ЎҚСнинг тажрибада олинган қийматлари жуда ишончли деб ҳисобланиши мумкин. Шундай қилиб,  $x = 0.33 \div 0.60$  концентрациялар оралиғида ва  $x = 0.70$  учун титан карбидидаги атомларнинг ЎҚС биз томонимиздан биринчи марта аниқланди ва куб титан карбидининг бутун гомогенлик соҳасида атомларнинг тўлиқ ЎҚСнинг концентрацияга боғлиқлик ҳарактери аниқланди. 5 – расмдан кўришиб турибди-ки, куб титан карбидидаги атомларнинг ЎҚС концентрацияга боғлиқлиги гомогенлик соҳасида ( $0.33 \leq C/\text{Ti} \leq 0.97$ ) мураккаб характерга эга. Куб титан карбиди гомогенлик соҳасидаги атомларнинг ЎҚС силжишлари углерод концентрациясининг  $C/\text{Ti} = 0.65$  гача камайиши билан чизикли равишда ўсади, углерод концентрациясининг  $0.47 < C/\text{Ti} \leq 0.65$  оралиғида камайишида ЎҚС кескин камайиб,  $x = 0.65$  концентрациядан кейин эса яна чизикли равишда ортиб боради.



**5-расм.  $TiC_x$  титан карбидадаги ЎКСнинг 1470 К ҳароратга (а) ва 920 К ҳароратга (б) мос келган углерод концентрациясига боғлиқлик графиклари**


Шуни таъкидлаш керак-ки, адабиётлардаги маълумотларга кўра, титан карбидининг 300 К ҳароратидаги солиштирма қаршилигининг концентрацияга боғлиқлик графигида ҳам, магнит қабул қилувчанлик графигида ҳам худди ЎКСдаги каби углерод концентрациясининг  $0.50 < x \leq 0.63$  оралиғида ботиқлик кузатилади. Атомларнинг ўртача квадратик силжишининг концентрацияга боғлиқлигида кузатилган ботиқлик углерод концентрациясининг  $0.50 < x \leq 0.63$  соҳасига тўғри келади. Бу соҳада ҳароратнинг камайиши билан ( $T \leq 800$  °С) бир қатор тартиб – бетартиб фаза ўтишлари рўй беради. Одатда, углеродли панжарада нуқсонлар ортиши билан, панжарадаги статик силжишлари деярли чизиқли ўсади. Шунинг учун, титан карбидининг гомогенлик соҳасида топилган ЎКСларнинг концентрацияга чизиқли бўлмаган боғлиқлиги Ме-Ме, Ме-С ва С-С ўзаро таъсирлашув кучлар нисбатларининг ўзгариши билан боғлиқ. Ҳозирги вақтда суқилма фазаларда боғланишнинг гетеродесмиклиги (металл, ковалент ва ионли боғланишларнинг бир вақтда мавжудлиги) умумэътироф этилган. Стехиометрик таркибда ион боғланиш энг юқори улушига эга.  $0.97 \leq x < 0.65$  концентрациялар оралиғида таркибнинг стехиометриядан камайиши туфайли металл-углерод ковалент боғланишнинг улуши сезиларсиз даражада ўзгарган ҳолда Ме-С ион С-С боғланишларнинг улуши камаяди деб тахмин қилиш мумкин. Бу углерод атомларининг иссиқлик тебранишларининг амплитудасининг ўсишига олиб келади.  $0.49 < x < 0.65$  оралиқда эса углерод концентрациясининг камайиши натижасида турли хил атомлар ўртасидаги Ме-С кучли ковалент боғланишнинг устунлиги титан ва углерод атомларининг иссиқлик тебранишлари амплитудасини камайишига олиб келади. Бу эса ўз навбатида атом комплексининг иссиқлик тебранишларининг умумий амплитудасининг камайишига, шунингдек, ҳарорат пасайганда системани тартибланишига олиб келади.

Сўнгра углерод атомларининг тартибланишини атомларнинг ЎКС катталигига таъсири ўрганилди. Титан карбиднинг тартибланган фазаларини

олиш учун намуналарга 24 соат давомида 970 К + 920 К ҳароратда термик ишлов берилган. Ушбу термик ишлов бериш режими  $TiC_{0.60}$  титан карбидининг тартибланган  $\delta'$ - фазасини ( $Fd\bar{3}m$  фазовий гуруҳи) олиш учун етарли. 970 К - 920 К ҳароратлардаги ишловдан кейин, углерод концентрациясининг  $0.33 \leq x \leq 0.47$  оралиғида титан карбидининг  $TiC_{0.49}$  таркибли ( $Fd\bar{3}m$  фазовий гуруҳи)  $\delta'$ -фазага ва  $\alpha-Ti$  га парчаланиши кузатилди.  $TiC_{0.55}$  ва  $TiC_{0.60}$  концентрацияларда эса  $\delta'-Ti_2C_{2x}$  тартибланган фазасининг ҳосил бўлиши кузатилди. Унинг структураси  $Fd\bar{3}m$  фазовий гуруҳига мансуб бўлиб,  $Ti$  32 ( $e$ ) позицияларда жойлашиб,  $x = y = z = 0.247 \pm 0.001$  координаталарга эга эканлиги аниқланди.

Узоқ тартиб даражаси тартибланиш назариясидан маълум бўлган  $\eta = (p - x)/(1 - \nu)$  формула бўйича аниқланди, бу ерда  $x$  – углерод концентрацияси,  $p$  – углероднинг фазовий гуруҳнинг октаэдрик 16с позицияларини тўлдириш эҳтимоли,  $\nu$  – 16 ( $c$ ) ва 16 ( $d$ ) типдаги тугун оралиқлар сонининг нисбий улуши. Тартибланган фазада узоқ тартиб даражаси  $\eta_c = 0.73$  ни ташкил этади. Углерод концентрацияси юқори бўлган титан карбидларида фазавий ўзгаришлар кузатилмади. Ушбу натижалар  $Ti-C$  системасининг мувозанат фазаси диаграммаси билан мос келади.

Тартибланган фазалар учун  $\ln(I_{\text{экс}}/I_{\text{расч}})$  функциясининг  $(\sin^2\varphi/\lambda^2)$  га боғланиши тўғри чизиғининг қиялиги камаяди (6 - расм), бу эса тартибланишда иссиқлик факторининг камайишини кўрсатди. Тартибланганда атомларнинг тўлиқ ўқс силжишларини қиялиқлар бўйича аниқлаш, унинг камида 10% дан кам бўлмаган камайишини кўрсатди (5 - расм, б - эгри чизик).



**6-расм. Тартибланмаган (а) ва тартибланган (б)  $TiC_{0.47}$  титан карбиди учун  $\ln\left(\frac{I_{\text{эксн}}}{I_o}\right)$  нинг  $\frac{\sin^2 \varphi}{\lambda^2}$  га боғлиқлиги.  $Fm\bar{3}m$  (а) ва  $Fd\bar{3}m$  (б) фазовий гуруҳлар доирасидаги қайтарувчи текисликларларнинг  $hkl$  Миллер индекслари мос ҳолда нуқталарнинг пастида (а) ва юқорисида (б) кўрсатилган**

Ностехиометрик титан карбидада  $0.50 \leq x \leq 0.63$  углерод атомларининг тартибланишида атомларининг  $\bar{U}_{КС}$ лари камайиши адабиётларда маълум бўлган углерод атомларининг тартибланишида солиштирма электр қаршилиқ ва магнит қабул қилувчанлиқ камайиши билан мос тушади. Тартибланишда титан карбиди атомларининг  $\bar{U}_{КС}$ нинг камайишини углерод атомлари билан ишғол қилинмаган бўш октаэдрик тугунлар оралиқларини ташкил этувчи металл атомларининг ТМК панжарасидаги идеал позицияларидан силжиганлиги билан тушунтириш мумкин. Тартибланмаган қотишмада статик силжишлар  $Fm\bar{3}m$  фазовий гуруҳнинг барча йўналишларда статистик равишда тақсимланади. Шунинг учун, дифракция жараёнида улар иссиқлик тебранишлари билан бир қаторда намоён бўлади ва атомларнинг тўлиқ  $\bar{U}_{КС}$  қийматларининг ўсиши кузатилади. Металлмаснинг подрешеткаси тартибланишида бу статик силжишлар ҳам тартибланади. Энди улар  $Fd\bar{3}m$  фазовий гуруҳдаги тартибланиш симметриясига кўра, нейтронларнинг когерент сочилиши интенсивлигига ҳисса қўшадилар. Натижада  $\delta'$ - $Ti_2C_{2x}$  тартибланган фазада титан атомлари координаталарининг ТМК панжараси тугунларининг идеал ҳолатидан ( $x_{уд.} = y_{уд.} = z_{уд.} = 1/4$ ) силжиши кузатилади ва  $x = y = z = 0.246 \pm 0.001$  қийматларга тенг бўлиб қолади.

Диссертациянинг **“Нейтроноструктуравий таҳлил маълумотлари асосида  $TiC_x$  титан карбидининг термофизик ва механик хусусиятларини аниқлаш”** деб номланган тўртинчи бобида нейтроноструктуравий таҳлил маълумотлари асосида  $TiC_x$  титан карбидининг термофизик ва механик параметрларини ҳисоблаш натижалари келтирилган.

Карбидларда атомларнинг иссиқлик тебранишларининг амплитудаси алоҳида аниқланганлиги Дебай ҳароратини  $\theta$  иссиқлик нейтронлари назариясининг куйидаги формуласига мувофиқ  $\overline{u_d^2}$  нинг қийматлари асосида аниқлашга имкон беради:

$$\theta = \frac{9\hbar^2}{k \cdot m \cdot u_d^2} \cdot \left[ \frac{\Phi(x)}{x} + \frac{1}{4} \right], \quad (7)$$

бу ерда  $\hbar$  - Планк доимийси,  $T$  – ўлчовлар амалга ошириладиган ҳарорат (К),  $k$  - Больцман доимийси,  $m$  - қотишмада атомларнинг ўртача массаси,  $\Phi(x)$  - табуляцияланган функция;  $x = \theta/T$  Дебай ҳароратининг ўлчанадиган ҳароратга нисбати.

$TiC_{0.97}$ ,  $TiC_{0.88}$  ва  $TiC_{0.70}$  карбидлари учун хона ҳароратида  $\theta$  Дебай ҳароратининг куйидаги қийматлари аниқланди: 860, 700, 590 К.  $T = 80$  К ҳароратда, худди шу таркиблар учун,  $\theta$  нинг қийматлари мос равишда 520, 480, 440 К эканлиги аниқланди. Углерод концентрациясининг камайиши ҳамда ҳароратнинг камайишида  $\theta$  ҳам сезиларли камаяр экан. Ҳароратнинг камайиши билан  $\theta$  нинг камайиши ўқув адабиётларида криоген ҳароратда Дебай ҳароратининг ҳароратга кучсиз боғлиқлиги ҳақидаги назарий даъвони рад этади.


Олинган Дебай ҳарорати қийматларидан фойдаланиб,  $TiC_x$  титан карбидининг  $x = 0.70, 0.88$  ва  $0.97$  концентрациялари учун моляр иссиқлик сифими  $C_V$  Нейман-Коппнинг формуласига кўра,  $0.10 < T/\theta \leq 0.50$  ҳароратлар оралиғида кўп компонентли кристаллар учун Дебай яқинлашувида қуйидаги формула бўйича ҳисобланди:

$$C_V = n3R \left( 1 - \frac{1}{20} \left( \frac{\theta}{T} \right)^2 \right) = (1+x)3R \left( 1 - \frac{1}{20} \left( \frac{\theta}{T} \right)^2 \right), \quad (8)$$

бу ерда  $n=(1+x)$  - элементар ячейкадаги атомларнинг сони. Ушбу формуладан фойдаланиб  $TiC_{0.97}$ ,  $TiC_{0.88}$  ва  $TiC_{0.70}$  учун  $C_V$  иссиқлик сифимининг мос равишда ҳисобланган қуйидаги: 29.40; 34.12; 34.20 (Ж/моль×К) қийматлари олинди. Углерод концентрациясининг камайиши (структуравий вакансиялар концентрациясининг ортиши) билан  $TiC_x$  титан карбидининг иссиқлик сифими углерод концентрациясининг  $x = 0.97 \div 0.70$  оралиғида ортади (16 %). Шунингдек,  $0 < T/\theta \leq 0.10$   $TiC_x$  шартни қаноатлантурувчи  $T = 80$  К ҳароратда иссиқлик сифими назариясидан келиб чиқадиган  $C_V = (1+x)233.8R \left( \frac{T}{\theta} \right)^3$

формуладан фойдаланиб  $C_V$  ни аниқладик.  $T = 80$  К ҳароратда иссиқлик сифимининг концентрацияга боғлиқлиги  $T = 300$  К да кузатиладиган тенденция билан бир хил бўлар экан.  $TiC_{0.97}$ ,  $TiC_{0.88}$  ва  $TiC_{0.70}$  лар учун мос равишда қуйидаги қийматлар олинди: 29.40; 34.12; 34.20 (Ж/моль×К).  $T = 300$  К даги иссиқлик сифимига нисбатан  $T = 80$  К да иссиқлик сифимининг кескин камайиши кузатилади (ўртача  $\approx 88\%$ ).

Сўнгра биз титан карбидининг иссиқлик сифимини ҳароратга боғлиқлигини  $T = 300 \div 3000$  К ҳарорат оралиғида Дебай яқинлашувида (8) формула бўйича ҳисоблаб чиқдик ва адабиётларда маълум бўлган тажриба маълумотлари билан солиштирдик. Бу маълумотлар 7-расмда график кўринишида тасвирланган. Титан карбиди ТМК (оддий) тузилишга эга бўлганлиги сабабли, унинг иссиқлик сифими учун Дебай яқинлашувида (8) формула яхши натижалар бериши керак. Аммо, 7-расмдан кўриниб турганидек, титан карбидининг юқори ҳароратдаги иссиқлик сифими учун Дебай яқинлашуви фақат  $T = 300 \div 1400$  К ҳарорат оралиғида ўртача  $\approx 8\%$  фарқ билан тўғри ишлайди. Ҳароратнинг янада ошуви билан бу фарқ ўсиб боради. Айниқса, 1500 К ҳароратдан кейин тез ўсади. 2300 К ҳароратдан бошлаб 20 % дан ортиқ бўлган фарқ 3000 К да 34% ни ташкил қилади. Шундай қилиб, иссиқлик сифимининг Дебай назариясига асосланган Нейман-Копп қондаси ҳароратнинг ошиши билан  $T/\theta \approx 1.77$  шартдан бошлаб тажрибавий маълумотларни тушунтириб бера олмайди. Шунини таъкидлаш керак-ки, турли хил бирикмалар учун бир қатор ишларда, Дебай модели  $\sim 400$  К ҳароратдан юқори ҳароратларда  $C_V$  иссиқлик сифимининг тажрибада кузатиладиган қийматларини тушунтириб бера олмайди.



**7-расм.  $TiC_{0.97}$  титан карбиди иссиқлик сиғимининг ҳароратга боғлиқлиги: а- адабиётлардаги маълумотларга кўра, б - Дебай назарияси бўйича ҳисоблашларга кўра, в - (9) формула бўйича ҳисоблаш натижаларига кўра**

Тажрибаларда аниқланган иссиқлик сиғимининг қийматлари Дебай назарияси асосида топилган қийматларидан анча юқори эканлиги кузатилади. Кўришиб турганидек, кузатилган фарқлар қуйидагича тушунтирилиши мумкин. Паст ва ўртача ҳароратларда кристаллда атомларнинг илгарилама ҳаракатининг учта эркинлик даражасига тўғри келадиган гармоник тебранишлар пайдо бўлиши умумэтироф этилган ҳақиқатдир. Бунда панжаранинг қўзғалиш даражаси унинг атомларининг 3 эркинлик даражасига тенг. Аммо, ҳароратнинг ортиши атомлар тебранишларининг амплитудасининг, бир атомли панжарада ҳам, мураккаб таркибли панжарада ҳам ошишига олиб келади. Натижада, фонон-фонон сочилиши Дебай частоталаридан юқори бўлган янги частоталарнинг ҳосил бўлишига олиб келди. Чунки маълум бир частотали тебранишлардан бошқа хил частотали тебранишларга энергия узатилиши мумкин бўлади.  $TiC_x$  титан карбидининг иккита атомли панжараси ва бир атомли  $Ta$ , панжараси учун  $C_V$  нинг юқори ҳароратга боғлиқлигида ўхшаш натижалар кузатилади, бундан фонон-фонон сочилиш частоталари ҳам акустик, ҳам оптик фононлар бўлиши мумкин деган тахмин келиб чиқади. Дебай назариясига кўра, юқори ҳароратларда панжара энергияси ҳароратга мутаносиб равишда ўсиб боради. Бир моль кристалл учун:  $E_p = 3N_A kT = 3RT$ . Шундан келиб чиқадики, юқори ҳароратларда  $C_V$  доимий бўлиши керак. Аммо, тажрибаларда кузатилганидек  $T > \theta$  ҳароратларда  $C_V$  ночизикли ўсади (7-расм, а эгри чизик). Кўришиб турибдики, юқори ҳароратларда  $T \geq \theta$  панжара квант механикаси принципига мувофиқ паст ҳароратларда бўлгани каби кристалл структуранинг параметрларига боғлиқ бўлмаган ҳолда энергиянинг фақат каррали қийматларини қабул қилиши мумкин  $E_s = n_s RT$ , бу ерда  $n_s$ - фонон-фонон сочилиши учун масъул бўлган панжаранинг иссиқликдан уйғониш даражаси. Иссиқликдан уйғониш даражаси маълум ҳароратларга тўғри келадиган фақат узлукли қийматларнигина  $n_s = 1, 2, 3, \dots$ , қабул қила олади. Бунда

квантланишнинг бу принципи эриш ҳароратигача амал қилади. Ушбу фикрга асосланиб, модданинг бир моли учун юқори ҳароратли иссиқлик сиғимини (8) формуласини унинг кимёвий формуласидаги  $n$  та атомли бирикмалар учун умумий кўринишда ёзишни таклиф қиламиз:

$$C_V = 3nR \left[ \left( 1 - \frac{1}{20} \left( \frac{\theta}{T} \right)^2 \right) \right] + n_s R. \quad (9)$$

